

Ҳажнинг юксак ғоялари

﴿مقاصد الحج﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿مقاصد الحج﴾

« باللغة الأوزبكية »

عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

~2~

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Ҳаж ибодатидан бўлган юксак ғоялар.

الحمد لله رب العالمين والعاقبة للمتقين والصلاة والسلام على خير خلقه محمد وعلى آله و
صحابه أجمعين أما بعد:

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух! Ҳурматли ҳожи биродарларим! Бандаларига раҳматини дариг тутмай, уларни буюк ҳаж ибодати билан сийлаб, гуноҳлардан онадан янги туғилгандек поклаган, Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин! Ва унинг энг суюкли элчиси Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам га дурудун саловотлари ва саломлари бўлсин!

Ҳаж мавсуми яқинлашгани сари мўъминларнинг қалбларидаги севинч тобора ортиб бормоқда! “ҳа” нима учун қувонмайдилар? Ҳаж ибодати уларни гуноҳлардан поклаб, бегуноҳ чақалоқдек уйларига қайтарса, бундан ортиқ саодат бўлармиди? Кимлардир бу ибодатга ёши кексайган чоғида насиб қилиб, фарзанд ва набиралари ўртасида хурсандчилигидан кўз ёши тўкиб, сафар вақтини не ўйлар билан кутаётган бўлса, кимлардир бу ибодатга ёшлигида муваффақ бўлиб, шодликдан ўзига сиғмай, вақтни ўтказмапти, гўё секундлар минутга, минутлар эса соатга айлангандир.

Чунки чин мусулмон киши, Оллоҳ таоло инсонлар учун нима манфаътли ва нима зарарли эканини яхши билиб, бандаларига фақат яхшиликнигина раво кўришига, ҳамда дунё охирадаги саодатга эришишлари учунгина аҳкомлар чиқаришига, шак шубҳа қилмайди. Шунинг учун ҳақиқий мусулмон доимо Роббисининг амрига мунтазир бўлиб, ҳеч иккиланмай, унинг буйруқларини дарҳол бажо келтириб, қайтарувларидан зудлик билан қайтади, гарчи бу амр ва наҳийлардаги ҳикматларни билмаса ҳам ва унга ёқиши ёки ёқмаслиги ҳам, уни қизиқтирмай, балки у учун бу буйруқ ва қайтарувлар Оллоҳ ва унинг Росули Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам тарафидан бўлиши кифоядир.

Инсон мана шундай ўзини Оллоҳга топшириб, унинг фармонларига тўла таслим бўлмас экан, албатта у иймон шарофатига ҳаргиз эриша олмайди. Оллоҳ таоло “Нисо” сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يَحْكُمُوا بِمَا فِي شَجَرِ بَيْنِهِمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيَسْلَمُوا تَسْلِيمًا﴾

“Йўқ (эй Муҳаммад алайҳи салом) Парвадигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан

дилларида ҳеч қандай танглик топмай тўла таслим бўлмагунларича бўйинсунмагунларича зинҳор мўъмин бўла олмайдилар”.

Бироқ мусилмон киши, бу буйруқлар ва қайтарувлардан бўлган баъзи бир ҳикматларни англаб олса, бу унинг иймонини яънада ортиши ва уни ибодатга астойдил бел боғлашига ҳам сабаб бўлади. Оллоҳ таоло “ҳаж” сурасида шундай дейди:

﴿لِيُشْهِدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ﴾

“Улар ўзлари учун бўлган (диний ва дунёвий) манфаатларга шоҳид бўлиш учун ва маълум кунларда (яъни,қурбон ҳайити кунларида Оллоҳ уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонлари (ни қурбонлик учун сўйиш) устида Оллоҳ номини зикр қилиш учун (келурлар)”.

Демак бизлар учун, ҳаж ибодатига келишимизда, дунёвий ва ухровий манфаатлар бўлишини, Оллоҳ таоло хабар қилар экан,албатта бунга имонимиз комил.

Иншааллоҳ бу дарсимизда анашу манфаатларидан баъзи бирлари билан танишиб чиқиб, иймонимиз яънада зиёда бўлса деган умиддамиз.

Авалло ухровий манфаатлари ҳақида сўз юритсак, чунки охират ҳаёти мангу ва абадий ҳаётдир.

Бу манфаатлардан биринчиси:Оллоҳ таолога таслим бўлиб унинг ҳукмига бўйинсуниш тарбиясини олмоқликдир.

Яъни ҳожи бу ибодат таъсири остида Оллоҳ таолога бўйинсуниш ахлоқини олади.

Ҳожилар Оллоҳ таолонинг чақирғига лаббай деб ижобат қилиб, роҳат фароғатларидан кечиб, узоқ сафарларга чиқишлари ва ҳаж аналарини адо этадиган муқаддас ўринларнинг биридан иккинчисига белгиланган вақтдан кеч қолмай кўчиб ўтишлари ва байтуллоҳни тавоф қилиб, каъба атрофи издиҳом бўлишига қарамай, қора тошдан бўса олишлари, жамарот тошларини саноғини камайтирмай, айтилган кунларда отишлари,албатта Оллоҳ таолога буткул сиғиниб унинг аҳкомларини бағри кенглик билан қабул қилишларига ёрқин мисоллардир,чунки ҳожилар бу ишларни бировнинг зўри билан қилмай, ўз ихтиёрлари билан бажарадилар ва ибодатни адо этишлари учун суннатда келганлигини билиб қолсалар бас.Умар (рза) қора тош ҳақида шундай деган эдилар:

«إني أعلم أنك حجر لا تضر ولا تنفع، ولولا أني رأيت رسول الله - ﷺ - يقبلك ما قبلتك»(1).

(1) أخرجه البخاري، كتاب الحج، باب تقبيل الحجر.

“Мен сени зарар ҳам, фойда ҳам келтира олмайдиган тош эканлигингни биламан. Агар мен Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам сени бўса қилганликларини кўрмагинимда эди, сени бўса қилмаган бўлар эдим”

Манфаатлардан иккинчиси: Оллоҳ таолони ибодат билан ягоналаб, уни ширклардан поклашдир.

Бу ахлоқ ҳажнинг энг юксак ғояларидан саналиб, ҳожи ҳаж учун эҳромга кириши биланоқ, то ҳаж ибодати тугагунча айтадиган талбия калимаси ҳам, шу маънони ўз ичига олади. Дарҳақиқат Оллоҳ таоло ўзининг ҳабиби ва халили бўлмиш Иброҳим алайҳи саломга, ягона Оллоҳга ибодат қилиш учун Байтуллоҳни қуришга ва уни ширклардан покламоққа буюриб, “Ҳаж” сурасида шундай деган эди:

﴿وَإِذْ بَوَّأْنَا لِإِبْرَاهِيمَ مَكَانَ الْبَيْتِ أَنْ لَا تُشْرِكْ بِي شَيْئًا وَطَهِّرْ بَيْتِيَ لِلطَّائِفِينَ وَالْقَائِمِينَ وَالرُّكَّعِ السُّجُودِ﴾

(Эй Муҳаммад алайҳи салом) эсланг, Биз Иброҳимга Байтуллоҳнинг ўрнини (ўша уйга қараб ибодат қилиши ва уни обод қилиши учун) белгилаб бериб (унга шундай деган эдик):

“Сен менга бирон нарсани шерик қилмагин ва менинг Байтим Уйимни тавоф қилгувчилар қиём (яъни намозда тик ғоз туриш) руку сажда қилгувчилар (яъни ўша жойда намоз ўқигувчилар) учун пок тутгин”.

Ҳожилар ер куррасининг ҳар тарафидан бу муқаддас Каъбага Оллоҳ таолони ягоналаб талбиялар айтиб келадилар. Мақоми Иброҳимда эса икки ракаат суннат намози ўқиб, биринчи ракаатда кафирун, иккинчи ракаатда ихлос сурасини ўқийдилар. Бу икки сура Оллоҳ таолони ибодат билан ягоналаш ва ундан бошқаси, ибодатга лойиқ эмаслигини англатади. Сўнг Сафо ва марва тоғларига бориб, манабу дуони ўқийдилар:

« لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، يُحْيِي وَيُمِيتُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ، أَنْجَزَ وَعْدَهُ، وَنَصَرَ عَبْدَهُ، وَهَزَمَ الْأَحْزَابَ وَحْدَهُ »

Арафот кунида эса заволдан кейин то қуёш ботгунгача Арафот ерида дуолардан ушбу дуони жуда кўп ўқийдилар:

« لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، يُحْيِي وَيُمِيتُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ »

Чунки Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам шу дуони мен ва мендан аввалги пайғамбарлар Арафотда энг кўп қилган дуодир деб марҳамат қилганлар.

Хуллас ҳожилар ҳаж давомида манашундай Оллоҳ таолони ягоналовчи дуолар билан машғул бўладилар. Бу дуолар инсонга фақат оллоҳ таолога суяниб бор илтижосини ундан сўраш тарбиясини беради.

Учинчи манфаат: Ҳаж ананаларини улуғлашдир. Оллоҳ таоло “ҳаж” сурасида айтадики:

﴿ثُمَّ لِيَقْضُوا تَفَثَهُمْ وَلِيُوفُوا نَذْوَهُمْ وَلِيُطَوفُوا بِالْبَيْتِ الْعَتِيقِ﴾

“Сўнгра (қурбонлик қилганларидан кейин) Улар кирларини кетказсинлар (яъни эҳромдан чиқиб сочларини олдириб тоза либосларини кийсинлар) назрларини (яъни зиммаларидаги ҳаж мажбуриятларини) тўла адо қилсинлари ва эски уйни тавоф қилсинлар”.

Бундан кейинги оятда шундай дейди:

﴿ذَلِكَ وَمَنْ يُعِظْ حُرْمَاتِ اللَّهِ فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ عِنْدَ رَبِّهِ﴾

“(Иш) шудир ким Оллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳурмат (риоя) қилса, бас, бу парвардигори наздида ўзи учун яхшидир”.

Яъна шу сурада Оллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿لَكَ وَمَنْ يُعِظْ شَعَائِرَ اللَّهِ فَإِنَّهَا مِنْ تَقْوَى الْقُلُوبِ﴾

“(Иш) шудир ким Оллоҳ қонунларини ҳурмат қилса, бас, албатта (бу ҳурмат) дилларнинг тақводорлиги сабабли бўлур”.

Кимики Оллоҳ таолонинг ҳаром қилган нарсаларини риоя қилса албатта бу ўзи учун яхшидир деб, Оллоҳ таоло бу оятларида бандаларини ҳаж ананаларини ҳурмат қилишга чорляпти ва ҳурмат қилиш тақводан эканлигини баён қилаяпти, албатта Оллоҳ таолони Роббим деб тан олган мўъмин, унинг буйруқ наҳийларини бағри кенглик билан қабул қилиб, Оллоҳ таоло улуғлаган ибодатларни ва маконларни қадрлайди.

Яъна ҳажнинг улкан фойдаларидан:

Ҳожи ҳаж ибодатидан Оллоҳ таолони кўп зикр қилиш ахлоқини олади. Чунки Оллоҳ таоло ўзини зикр қилишга буюриб, айниқса ҳаж кунларида зикрни кўпайтиришга тарғиб этади.

“Бақара” сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿فَإِذَا أَفَضْتُمْ مِنْ عَرَفَاتٍ فَاذْكُرُوا اللَّهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ﴾

“Энди Арафотдан тушганингиздан кейин машъарул ҳаромда Оллоҳни зикр қилинг”.

Яъна шу сурада Оллоҳ таоло зикрга буюриб айтадики:

{فَإِذَا قُضِيَتْ مَنَاسِكُكُمْ فَادْكُرُوا اللَّهَ كَذِكْرِكُمْ آبَاءَ ء كُمْ أَوْ أَشَدَّ ذِكْرًا}

«Энди маросимларингизни адо қилиб бўлгач, Оллоҳни аждодларингизни эслагандек, балки ундан да қаттиқроқ эсланг»

Ҳа албатта ҳаж ибодатининг энг юксак ғояларидан бири зикрдир, шунинг учун ҳаж мобайнида ҳожилар кўп зикрлар билан машғул бўлмоқликлари даркор, акс ҳолда улар ҳаж ибодатидан кўзда тутилган мақсадларга эришмаган бўладилар.

Яъна ҳажнинг ухровий манфаатларидан: Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам га бўлган муҳаббатни ҳосил қилмоқликдир.

Росуллоллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ни яхши кўриш, қалб амалларининг энг улуғидан ва иймоннинг ҳам афзал қисмларидандир. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам ни муҳаббат қилиш у зотга эргашишни ва у зот тутган йўлларида юришни тақозо қилади. Дарҳақиқат Оллоҳ таолони суяман деганлар ҳам, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам га эргашмоқликлари лозимлигини, Оллоҳ таоло қуръон каримда хабар қилади:

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

(Эй муҳаммад алайҳи салом) айтинг: “Агар сизлар Оллоҳни севсангиз менга эргашинглар (шунда) Оллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади, Оллоҳ мағфират қилгувчи мерибондир”.

Шунингдек Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳам сизларнинг бирингиз ҳаргиз мўъмину комил бўла олмайди то мен унга отасидан ҳам, боласидан ҳам ва ҳамма инсонлардан ҳам суюкли бўлмагунимча деган эдилар.

Саҳобаларни ҳаж ибодатларини адо этишда суннатларига эргашишга буюриб, шундай марҳамат қилганлар:

« خذوا عني مناسككم »

Ҳаж ибодатларингизни мандан олинглар! Яъни мен қилганимдек бажаринглар! деб уларга ҳаж амалларини ўз ўзларича қилмай, балки у зотнинг кўрсатмаларига қараб қилмоқлик кераклигини, таълим қилдилар. Албатта Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам га иқтидо қилиш у зотга бўлган муҳаббатни пайдо қилади.

Яъна ҳажнинг юксак манфаатларидан: Ҳаж мусилмонлар ўртасида иймоний биродарчиликни янада кучайтириб, уларни мушриклар ва улар қилган амаллардан бутунлай йироқ қилади.

Мусилмонлар қайси миллатга мансуб бўлмасинлар, ер шарининг ҳар атрофидан ҳаж учун, бир вақтда, бир ерга, бир хил кўринишда жамланадилар ва у Оллоҳ таолонинг чақириғига ижобат қилиб, Оллоҳнинг улрага қилган фарзини адо қилмоқликдир, уларни тиллари ёки ранглари турли бўлиши, ўрталаридаги муҳаббатни мустаҳкамлашда заррача таъсир кўрсатмайди.

Ҳажда бир бирлари билан танишиб, ўзаро фикрлар алмашлаб, Ислом равнақи учун, бир бирларидан панд насиҳатларини ва тажрибавий ёрдамларини аямайдилар. Бундан ташқари шу ҳаж кунларида ўзаро иймоний бирдамликлар қилиб, жоҳилга таълим бериш, адашганни йўллаб қўйиш, очга таом бериш, чанқоққа сув ичириш каби бир қанча хизматлар кўрсатадилар. Бу нарсалар ўз ўзидан ўрталарида муҳаббатни пайдо қилиб, ўзларига ёққан нарсани бировларга ҳам раво кўрадиган бўлиб, келажақда ўзларинигина эмас, балки бутун умматнинг ғамини кўтарадиган ғамхўр инсонларга айланадилар.

Сўнгра Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатиб берган ҳаж амаллари, мушриклар ҳажларида тутган йўлларга хилоф бўлиб, уларнинг бу ширк билан аралашган ибодатлари ботил эканини баён қилади. Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам мушрикларга ширкий талбиялари ботил эканини билдириб, уларга хилоф равишда талбия айтган ва Арафотдан тушишларида улар тутган йўлни ташлаб, бошқа Оллоҳ кўрсатган йўлдан тушган эдилар. Ҳажжатул вадоъдаги хутбаларида эса жоҳилиятдаги қонун қоидаларни ҳаммасини бекор қилган эдилар. Мусилмон киши пайғамбарига иқтидо қилиб, мўъмин биродарларининг хизматида бўлиб, мушриклар тутган йўллардан узоқ бўлиши керак.

Яъна бу манфаатлардан: Киши охираат ҳаётини эслаб унинг даҳшатларини кўз ўнгида гавдалантиради.

Аввало ҳожи, ҳаж сафарига отланиб, ватанини ташлаб кетар экан, шу онда, дунёдан кетишини бир ўйласин, эҳром кийганда эса кафани ҳақида тафаккур қилсин, Арафотда турган чоғида қиёмат куни маҳшаргоҳда туришини эсласин. Албатта бу нарсалар унга қиёмат кунини кўз ўнгида тасаввур қилдиради.

Энг катта манфаатлардан яъна бири тақводор бўлмоқликдир. Оллоҳ таоло “бақара” сурасида шундай марҳамат қилади:

وَتَزَوَّدُوا فَإِنَّ خَيْرَ الزَّادِ التَّقْوَىٰ وَاتَّقُونِ يَا أُولِي الْأَلْبَابِ

“Ва таъминланиб олинг албатта энг яхши озуқа Оллоҳдан қўрқишдир”.

Яъни Оллоҳ таоло, бизларни ҳаж сафарига чиқишдан аввал, сафар учун керакли нарсаларни олиб, энг муҳим бўлган тақво озукасини унитмаслигимизга буюраяпти, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиқиш вақтида ўқийдиган дуода Оллоҳ таолодан сафар машаққатларидан паноҳ сўрашдан ҳам аввал, яхшилик, тақво ва амаллардан Оллоҳ таолони рози қиладиганини насиб этишини тилар эдилар.

Яъна ҳажнинг манфаатларидан: Ҳожи ҳаж мобайнида чиройли одоб ахлоқларга одатланади, сабр, камтарлик, саҳийлик, аччиғини ичига ютиб, биродарлари билан жанжаллашмай, хусуматлашишни тарк қилишга ўрганади. Чунки Оллоҳ таоло ҳожи ҳажда тортушув, хусумат, фисқу фужурлик, аёлига яқинлик қилиш ёки шу ишга олиб борадиган сўзу ишлардан тийилишига буюрган.

Бу буюк ибодатдан дунёвий манфаатлар ҳам жуда кўп бўлиб, биз баъзиларига ишора қилиб ўтамыз,

У манфаатлардан: Оллоҳ таоло ҳажда савдо сотиқни мубоҳ қилди, албатта бу муомлалардан тижоратчилар ҳам, ҳожилар ҳам, манфаатдорлар. Қурбонлик кунлари қурбонлик ҳайвонлари сўйилиб камбағал мискинлар ва бева бечоралар, унинг гўштларидан улушдор бўладилар.

Хуллас ҳажнинг дунёвий ва ухровий манфаатлари жуда кўп бўлиб, биз билмай, фақат Оллоҳ таолонинг ўзигагина аён бўлганлари беҳисобдир.

Ҳаж ибодатидан бўлган мақсадлар манашундай олий ва юксақдир. Муслимон киши бу ҳажнинг мақсадларини тўғри тушиниб, олий мақсадлар сари сайи ҳаракатлар қилмоқлиги керак. Аммо ҳажнинг ғояларини тўғри англаб етмаган инсон, ҳаж қилишни бир мансабга етиш деб ўйлаши, сўнгра ҳаждан кейин одамлар орасида ҳурмат, эътиборли бўлишга интилиши ҳам мумкин, ваҳоланки ҳажи қабул бўлдими ё йўқми бундан хабари йўқ, ёки ҳажга бориб келди деган ном учун, ҳажга сафар қилиб, ҳажнинг фарзлари, вожиблари, суннатларини тўғри адо қилиш у ёқда турсин, булар ҳақида ҳеч маълумоти бўлмай, ҳажда ибодатини дуруст адо этдими ё йўқми бу ҳақда ҳеч кимдан суриштирмай, ниятига яраша ҳажга бориб келди деган номга эришиши ҳам мумкин. Оллоҳ таоло риё мақсадида қилинган амалларни ҳаргиз қабул қилмайди. Бу ҳаж, ибодат демақдир, ибодатнинг маъноси эса Оллоҳ таолога қулчилик қилишдир, агар амалларимиз Оллоҳ айтгандек ва унинг Росули Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатиб бергандек бўлар экан, шундагина биз Оллоҳ таолога қулчилик қилган бўламыз. Оллоҳ таоло ҳаммаларимизни ҳамиша ўзига қулчиликда бардавом этсин!

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين